

Улар тарозида ўлчанса, сен бугун айтган нарсалардан оғир келади

08:39 / 15.12.2018 2852

Уммул мўминийн Жувайрия розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эрталаб субҳ намози пайтида унинг ҳузуридан чиқиб кетдилар. У намоз ўқийдиган хонасида эди. Сўнгра зуҳро намозини ўқиб бўлиб қайтиб келсалар, Жувайрия онамиз ҳали ҳам ўтирган эдилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Чиқиб кетганимдан бери шу ҳолатда ўтирибсанми?»** деб сўрадилар. Онамиз розияллоҳу анҳо: «Ҳа», дея жавоб бердилар. **«Мен сендан кейин тўртта калимани уч мартадан айтдим, агар улар тарозида ўлчанса, сен бугун айтган нарсалардан оғир келади,** – дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам. – Улар:

????????? ?????? ?????????????? ??????? ???????????

????????? ??????????? ??????????? ??????????? ???????????

??????????????

«Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи ъадада холқиҳи ва ризо нафсиҳи ва зината ъаршиҳи ва мидада калиматиҳи».

(Маъноси: Яратганларининг ададича, нафси рози бўлгунича, аршнинг вазнича, калималарнинг узунлигича Аллоҳга ҳамд айтаман ва Уни поклайман.) Имом Муслим ривоятлари.

Имом Нававийнинг “Ал-Азкор” китобидан